



Analysis of international standards for conducting investigative inspections

Alisher IMOMNAZAROV¹

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2024
Received in revised form
15 September 2024
Accepted 25 September
2024
Available online
15 October 2024

Keywords:

inspection,
international standards,
foreign experience,
comparative legal analysis,
improvement.

ABSTRACT

This article provides a comprehensive analysis of international standards and foreign countries' experiences in conducting investigative inspections. Specifically, it details the best practice guidelines widely employed in European countries, including requirements for the qualifications of personnel participating in inspections, the main stages of crime scene examination, and the characteristics of modern technical equipment used in the process. Additionally, the article comparatively analyzes the legal norms related to investigative inspections in the criminal procedure legislation of countries such as Russia, Kazakhstan, Japan, Germany, and China. As a result of these analyses, certain differences in national legislation were identified regarding the types of inspections, procedures for conducting them, and the participants involved. The author proposes several recommendations, including limiting the involvement of witnesses during the inspection process and introducing modern technologies instead, as well as implementing the practice of obtaining court sanctions for conducting inspections in residential premises.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss10/S-pp646-653>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишга оид халқаро стандартлар таҳлили

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

кўздан кечириш,
халқаро стандартлар,
хорижий тажриба,
қийёсий-ҳуқуқий таҳлил,
такомиллаштириш.

Мазкур мақолада кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишга оид халқаро стандартлар ва хорижий мамлакатлар тажрибаси атрофлича таҳлил қилинган. Хусусан, Европа мамлакатларида кенг қўлланилаётган энг яхши амалиёт қўлланмалари, жумладан, кўздан кечиришда

¹ Independent Researcher, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, Uzbekistan.

иштирок этувчи ходимларнинг малакасига қўйиладиган талаблар, ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг асосий босқичлари ва жараёнда фойдаланиладиган замонавий техник воситаларнинг хусусиятлари батафсил ёритиб берилган. Шу билан бирга, Россия, Қозоғистон, Япония, Германия ва Хитой каби давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида кўздан кечириш тергов ҳаракати билан боғлиқ нормалар қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ўтказилган таҳлиллар натижасида кўздан кечиришнинг турлари, уни ўтказиш тартиби ва иштирокчилари бўйича миллий қонунчиликдаги айрим фарқли жиҳатлар аниқланган. Муаллиф томонидан кўздан кечириш жараёнида ҳолислар иштирокини чеклаш, унинг ўрнига замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, турар жойларда кўздан кечириш ўтказишда суд санкциясини олиш амалиётини татбиқ этиш каби бир қатор таклифлар илгари сурилган.

Анализ международных стандартов, связанных с проведением следственного действия осмотра

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:
осмотр,
международные
стандарты,
зарубежный опыт,
сравнительно-правовой
анализ,
совершенствование.

В данной статье детально проанализированы международные стандарты и зарубежный опыт проведения следственного действия осмотра. В частности, подробно освещены руководства по лучшим практикам, широко применяемые в европейских странах, включая требования к квалификации сотрудников, участвующих в осмотре, основные этапы осмотра места происшествия и особенности современных технических средств, используемых в процессе. Проведён сравнительно-правовой анализ норм уголовно-процессуального законодательства таких стран, как Россия, Казахстан, Япония, Германия и Китай, регулирующих следственное действие осмотра. В результате анализа выявлены отличительные особенности национального законодательства относительно видов осмотра, порядка его проведения и участников. Автор выдвинул ряд предложений, среди которых – ограничение участия понятых в процессе осмотра, внедрение современных технологий вместо этого и введение в практику обязательной судебной санкции при проведении осмотра в жилых помещениях.

Тергов амалиётининг барча жабҳалари юзасидан ривожланган хорижий мамлакатларда энг яхши амалиёт тизимлари ишлаб чиқилган. Шу тизимларни бир хиллаштириш, натижаларни ишончлилик даражасини ошириш, далилларнинг судда инкор этилмаслигини таъминлаш мақсадида турли хил қўлланма ва йўриқномалар ишлаб чиқилган. Биз қуйида кўриб чиқадиган энг яхши амалиёт

қўлланмаси Суд экспертиза институтларининг Европа тармоғига аъзо институтлар ва бошқа идоралар томонидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш соҳасида иш амалиётини ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш учун ишлатилиши мумкин, бу ишончли натижалар бериши, олинган маълумотларнинг сифатини оптималлаштириши ва ишончли далиллар судга тақдим этиш юзасидан синовдан ўтган тизим ҳисобланишини қайд этиш лозим.

Ушбу энг яхши амалиёт бўйича қўлланмада тартиб-қоидалар, сифат тамойиллари, тайёргарлик жараёнлари ва ҳодисалар содир бўлган жойларни кўздан кечиришга ёндашувлар учун асос яратишга қаратилган [1, С. 5 (39)]. Изчил методологиядан фойдаланиш ва таққосланадиган натижаларни ишлаб чиқариш ҳам маълумотлар алмашинувини осонлаштиради.

Ушбу энг яхши амалиёт қўлланмаси ISO/IEC 17020” [2, С. 31]. (Умумий кўздан кечириш бўйича халқаро стандарт) ва “ILAC-G19 [3, С. 13] (Лабораторияларни аккредитация қилиш бўйича халқаро ҳамкорлик) стандартларида кўрсатилган ҳодиса содир бўлган жойда биринчи офицернинг ҳодиса содир бўлган жойига келишидан тортиб, ҳодиса содир бўлган жойдан баённома ёзилгунга қадар бўлган барча суд-тиббиёт жараёнига бағишланган. У бутун жараён учун тизимлар, процедуралар, ходимлар, жиҳозлар ва турар жой талабларини ҳам ўз ичига олади.

Жараён турли босқичлардан иборат: жиноят жойида бирламчи фаолиятни ўтказиш; кўздан кечириш стратегиясини шакллантириш; жойни кўздан кечириш; ҳолат юзасидан қўшимча кўздан кечириш ўтказиш; ашёвий далилларни расмийлаштириш.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ва ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни ўтказадиган ҳуқуқий тизимлар ҳодиса жойини кўздан кечирувчи шахсни жараённинг ҳар бир босқичи устидан тўғридан-тўғри назорат қилиш даражасини белгилайди, лекин улар бирон бир муайян босқичда бевосита иштирок этмаса ҳам, улар энг яхши амалиёт бўйича кенг қамровли маслаҳат олиш имкониятига эга бўлиши керак.

Одамлар ҳар қандай криминалистик жараёнларда энг муҳим манба бўлиши мумкин. Ходимларнинг самарали ишлаши учун ушбу жараёнда иштирок этаётган ҳар бир киши вазифаларнинг моҳиятини ва уларни бажариш учун зарур бўлган инсоний фазилатларни тушуниши керак. Ушбу лавозим эгалари томонидан талаб қилинадиган асосий лавозимлар, масъулият ва ваколатлар ушбу энг яхши амалиёт қўлланмаларида келтирилган.

Шу нуқтаи назардан хорижнинг энг яхши амалиёт тизимларининг қўлланмаларида кўздан кечиришга масъул бўлган шахслар алоҳида кўрсатиб ўтилган. Яъни, турли ташкилотларнинг ҳажми ва тизими ҳар хил бўлиши мумкин, шунинг учун ходимларни мутлақ стандартлаштиришга эришиб бўлмайди. Шунингдек, шахс бир нечта белгиланган вазифаларни бажариш учун масъул бўлиши мумкинлиги инобатга олинади ва ушбу йўриқномаларда бу ҳолат кўрсатиб ўтилади. Жумладан, ҳодиса содир бўлган жойларни кўздан кечириш учун тан олинган асосий лавозимлар:

- Жиноят жойини кўздан кечирувчи (Scene of Crime Examiner) – асосий вазифаси ҳодиса содир бўлган жойда дастлабки баҳолаш ва кейинчалик батафсил илмий текшириш учун материал тўплаш учун масъул бўлган шахс.

• “Жиноят жойи менежери (Crime Scene Manager) – (ёки унга тенглаштирилган шахс) нинг марказий вазифа ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни назорат қилиш ва ҳодиса содир бўлган жойдан максимал далил ва маълумотларни олиш учун мутахассисларни киритишни осонлаштиришдан иборат. Жиноят жойи бўйича менежер ҳодиса содир бўлган жойни бошқариш учун катта терговчи (Senior Investigating Officer) ва илмий ёрдам координатори (Scientific Support Coordinator) олдида бевосита жавобгар бўлади” [4, С. 8 (39)].

Биринчи жавобгар шахс – биринчи бўлиб келган офицер ҳодиса содир бўлган жойда барча дастлабки чоралар учун жавобгардир. Бу полициянинг хавфларни бартараф этиш ва тўхтатиш, дастлабки умумий ёрдам, биринчи ёрдам, зарурий ёрдамни чақириш (шу жумладан суд-тиббиёт экспертизаси) ва ифлосланишдан сақлаш учун ҳодиса содир бўлган жойни ҳимоя қилиш каби амалиётларига тегишлидир.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда иштирок этадиган бошқа шахслар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: жиноят жойини координатори; ҳисоботчи олим; катта терговчи; суд-тиббий эксперти; режалаштирувчи ва бошқалар. Ушбу шахсларнинг умумий кўриниши (шу жумладан талаб қилинадиган малака ва ваколатлар) қўлланма ва йўриқномаларда келтирилган.

ENFSI (Суд экспертиза институтларининг Европа тармоғи) ҳодиса содир бўлган жойдан судгача бўлган бутун криминалистик жараёни давомида изчил ва ишончли илмий далилларни илгари суриш истагида ушбу қоидаларни ишлаб чиққан. “ENFSI (Суд экспертиза институтларининг Европа тармоғи) аъзолари ўзларининг тергов ва криминалистика амалиётчиларининг малакасини баҳолаш учун расмий ва ҳужжатлаштирилган тизимга эга бўлишга интилишлари ва ENFSI ахлоқ кодексини қабул қилишган (маълумот рақами BRD-GEN- 003)” [5, С. 8 (39)]. “Ваколатларни таъминлаш тизими ISO/IEC 17025 ва/ёки ISO/IEC 17020”[6, С. 3]га мувофиқ сифат тизимининг ажралмас қисми бўлиши керак.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг турли жиҳатларини амалга ошириш учун шахслардан талаб қилинадиган малака, кўникма ва тажриба ишнинг турли жиҳатларининг интеллектуал ва амалий талабларига боғлиқ бўлади. ENFSI қўлланмаси турли шахслар учун зарур бўлган малака стандартларини, шу жумладан талаб қилинадиган тренинг ва қўлланиладиган баҳолашларни ҳам белгилайди.

Амалиётчи тегишли стандартлар бўйича таълим олиши ва ташкилот томонидан белгиланган таълимни муваффақиятли якунлаган бўлиши лозим. ENFSIнинг Жиноят Саҳнаси Ишчи Гуруҳи (SoC WG) ҳозирда “Жиноят жойи бўйича Европа кўздан кечирувчиси” номли ўқув дастурини ишлаб чиқиш устида ишламоқда.

Тергов ва криминалистик амалиётчилар учун самарадорликка асосланган стандартлар ENFSI QCC компетентлигини тасдиқлаш лойиҳаси (CAP) гуруҳи томонидан фойдаланиш учун ишлаб чиқилган. Стандартлар умумий форматда тақдим этилади. Улар “криминалистика” жараёнини, яъни ҳодиса содир бўлган жойга келган биринчи офицернинг ҳаракатларидан тортиб, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, лабораторияда текшириш, талқин қилиш ва судда далилларни тақдим этишгача бўлган ҳисоботни қамраб олади. Улар топшириқни бажаришнинг бир нечта мақбул усуллари бўлиши мумкинлигини тан олган ҳолда буйруқ тариқасида баён қилинмайди.

Стандартлар вазифани бажаришнинг исталган натижаси нуқтаи назаридан ёзилади. Уларда малакали амалиётчи нимага эришиши кераклиги тасвирланган, аммо бу натижага қандай эришиш кераклиги эса баён қилинмаган. Бундан ташқари, улар экспертиза мутахассиси малакали ишлашга эришиш учун зарур бўлган билим ва тушунчани кўрсатиб беради.

“Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш билан боғлиқ қоидалар қуйидаги фаолият турларини ўз ичига олади” [7, С. 10 (39)]: “А” фаолият: ҳодиса содир бўлган жойда дастлабки ҳаракатларни амалга ошириш; “Б” фаолият: ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш стратегиясини ишлаб чиқиш; “С” фаолият: ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш; “Д” фаолият: кўздан кечириш давомида топилган нарсаларни шарҳлаш ва қўшимча кўздан кечиришни амалга ошириш; “Е” фаолият: топилмаларни расмийлаштириш.

Юқорида тавсифланган ҳаракатларни амалга ошириш учун минимал стандарт сифатида қуйидаги тажриба ва ваколат соҳалари талаб этилади:

Биринчи ташриф буюрган офицер – ҳодиса содир бўлган жойда дастлабки ҳаракатларни амалга ошириш учун қўлланиладиган процедуралар (шу жумладан соғлиқ ва хавфсизлик талаблари) тўғрисидаги билимларга эга бўлиши лозим. Бу ҳодиса содир бўлган жойни батафсил кўздан кечиришни амалга оширадиган шахслар учун ҳодиса жойини ҳимоялаш учун ҳодиса содир бўлган жойни назорат қилишни таъминлашни ўз ичига олади.

- “А” фаолият: Ҳодиса содир бўлган жойда дастлабки ҳаракатларни амалга ошириш; Стандарт А1: Ҳодиса содир бўлган жойда дастлабки сақлаш ва назорат тадбирларини амалга ошириш; “Б” фаолият: Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш стратегиясини ишлаб чиқиш; Стандарт Б1: Кўздан кечириш талабларини аниқлаш; Стандарт Б2: Ҳодиса содир бўлган жойни баҳолаш ва талабларни аниқлаш.

Мураккаб ҳодисалар учун ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш стратегиясини ишлаб чиқиш полиция терговчилари ва криминалистика амалиётчиларидан, шу жумладан эксперт(мутахассис)лардан иборат кўп тармоқли гуруҳнинг масъулиятига айланади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бўйича мутахассис бу фаолиятни фақат ўз билими, тайёргарлиги, тажрибаси ва маҳаллий талаблар доирасида амалга ошириши керак.

- “С” фаолият: Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш: Стандарт С1: Ҳодиса содир бўлган жойни назорат қилиш ва сақлаш; Стандарт С2: тайёргарлик қисми; Стандарт С3: кўздан кечириш қисми; Стандарт С4: далилларни тўплаш; Стандарт С5: ашёвий далилларни қадоқлаш;

- “Д” фаолият: Ҳодиса содир бўлган жойдан топилган нарсаларни шарҳлаш ва қўшимча кўздан кечиришни амалга ошириш; Стандарт Д1: Ҳодисаларнинг эҳтимолий кетма-кетлигини таҳлил қилиш; Стандарт Д2: Қайси буюмлар ва намуналар қўшимча кўздан кечириш ўтказилишини ҳал қилиш; Стандарт Д3: Элементларни белгиланган жойларга ўтказиш; Стандарт Д4: Буюмлар ва намуналарни сақлаш;

- “Е” фаолият: топилмаларни ҳужжатлаштириш; Стандарт Э1: Ҳисобот тайёрлаш; Стандарт Э2: Суддан олдин маслаҳатлашувда иштирок этиш; Стандарт Э3: Суд ва суриштирувларга оғзаки далилларни тақдим этиш. Бундан ташқари, криминалистик амалиётнинг Европача йўриқномасида ҳодиса жойида фойдаланиладиган криминалистик-техник асбобларнинг потенциал рўйхати ҳам шакллантирилган.

Жумладан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш учун мавжуд бўлган асбоб-ускуналар (шу жумладан сарф материаллари) рўйхати: шахсий ҳимоя воситалари (қўлқоп, комбинезон, ниқоб, этик, баҳила ва ҳ.к.); фотокамера, филтрлар ва штатив; видео камера; чироқлар; метрик ва ўлчов шкаласи, рақамлар, стрелкалар; стерил қадоқлашнинг ҳар хил турлари(ўлчамлари); стерил контейнерларнинг ҳар хил турлари (ўлчамлари); далил муҳрлари (лентаси); ўлчаш асбоблари; пичоқлар; криминалистик ёруғлик манбаи ва кўриш филтрлари; бармоқ излари кукунлари; бармоқ излари чўткалари; тана суюқлиги / ДНКни тиклаш учун тампонлар; тахминий тестлар (қон, сперма, сўлак ва бошқалар); оёқ кийимларини қўйиш учун материаллар; электростатик чанг кўтарувчи; қуйма материаллари; асбоблар тўплами; кимёвий қўшимчалар; дезинфекциялаш воситаси; далилларни белгилаш байроқчалари; кордонлар (арқонлар); қисқичлар; лента ва бошқалар. Бундан ташқари, мавжуд ресурслар (инсон, асбоб-ускуналар ва материаллар) ҳам кўздан кечириш усулини белгилаши мумкин.

Европа мамлакатларида қўлланилаётган ушбу энг яхши амалиёт қўлланмаси халқаро стандартларда асосланганлигидан ташқари ушбу стандарт қоидаларини ривожлантирган ва кенгайтиргандир. Шунингдек, у кўздан кечиришда қўлланиладиган техник воситалардан ташқари, ҳодиса жойининг турлари, кўздан кечириш босқичлари юзасидан ҳам ўзига хос қоидаларни ишлаб чиққан.

Жиноят жойлари одатда иккита тоифадан бирига тааллуқли бўлади:

- Кичик жиноятлар: масалан, фирибгарлик ёки ўғирлик (аниқ жиноят турлари юрисдикциялар орасида фарқ қилади). Умуман олганда, аниқ далил турлари (масалан, ДНК, бармоқ излари, пойабзал излари) учун йўналтирилган қидирув амалга оширилади.

- Катта жиноятлар: қотиллик, одам ўлдиришга уриниш, жинсий ҳуқуқбузарликлар ва бошқа оғир жиноятлар каби жиддий ҳодисалар. Бунда далилларни тўлиқ кенг қамровли излаш талаб этилади, бу мавжуд ресурсларга сезиларли таъсир кўрсатади.

Демак, жиноят турига қараб, ҳодиса жойини кўздан кечириш усуллари ҳам ўзгариши мумкин экан. Қуйида, Европа стандарти асосида ҳодиса жойини кўздан кечириш босқичларини кўриб чиқамиз. Юқоридаги мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қуйидаги умумий методология тақдим этилган [8, С. 14 (39)]:

1. Ҳодиса содир бўлган жойга келиш.

Терговчи ушбу ҳолатда қуйидагиларни амалга оширади: маълумотларни тўплайди; жойни ўраб олиш; далилий ашёларни тезкорлик билан йиғиш; жиноятчи ҳаракатланган жойларни аниқлаш; ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш.

2. Ҳодиса содир бўлган жойдаги бирламчи баҳолаш жараёни муҳим ҳисобланади. Ҳодиса содир бўлган жойни дастлабки “ўтиш” кўздан кечирувчи шахсларни ҳодиса содир бўлган жойнинг тартиби билан таништиришга ёрдам беради ва ҳар қандай хавфларни аниқлашга ёрдам беради. Ушбу дастлабки баҳолаш қуйидагиларни аниқлашга ёрдам беради: безовта бўлишлар(заҳарланишлар)ни олдини олиш учун ҳодиса содир бўлган жойда ходимлар бориши керак бўлган маршрутни аниқлаш; ўлим усули (марҳумнинг шахси) (агар мурда мавжуд бўлса); бевосита тергов устуворликлари; қандай жиҳозлар керак бўлиши; қандай ходим(мутахассис)лар керак бўлиши.

Дастлабки баҳолаш мурда танасини ёки ҳодиса содир бўлган жойдаги бошқа нарсаларни ўзгартирмаслиги керак. Кириш учун кўчирилиши керак бўлган нарсаларни (масалан, эшикнинг кириш қисмидаги почта) олдиндан суратга олиниши керак. Излар йўқотилмаслиги учун ҳодиса содир бўлган жой назоратга олиниши, бегоналар киришининг олди олиниши керак.

“Кейинчалик изларни қидириш ва йиғиш қандай усулда амалга оширилиши ҳақида тергов стратегияси ишлаб чиқирилиши керак (тегишли терговчилар ва экспертлар билан биргаликда)” [9, С. 15 (39)]. Ҳодиса содир бўлган жойнинг биринчи эскизини ҳам яратиш керак.

3. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш. Агарда ҳодиса содир бўлган жойда мурда мавжуд бўлса аввало мурда кўздан кечирилади. У кўздан кечиришнинг марказий объекти саналади. Ушбу кўздан кечириш суд-тиббиёт эксперти томонидан ўтказилиши ва мурдани имкон қадар тезроқ ўликхонага олиб борилиши лозим бўлади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш пайтида ҳодиса содир бўлган жойдаги ходимлар имкон қадар тезроқ маълумот олиш учун терговчи билан алоқада бўлиши керак.

4. Ҳодиса содир бўлган жойдаги изларни қидириш ва тўплаш. Барча излар маркер (ёрлиқ) билан белгиланиши керак, кейин эса кенг ва яқин масофаларда суратга олинади. Улар ҳодиса содир бўлган жойдаги ёзувларда тасвирланиши, ҳодиса содир бўлган жойнинг эскизида аниқланиши ва кейин тўпланиши керак. Кўринадиган изларни қидириш ва олиш биринчи навбатда амалга оширилади.

Кейинги босқич – тегишли асбоб-ускуналар (масалан, суд ёруғлик манбалари) ёрдамида кўринмас изларни қидириш амалга оширилади.

Сўнгра камроқ аниқ бўлиши мумкин бўлган изларни аниқлаш учун ҳодиса содир бўлган жойнинг якуний кўздан кечириш ўтказилади. Бу мебель буюмлари ичидан қидиришни ёки илгари кириш имкони бўлмаган ҳудудни қидириш учун ҳаракатланувчи нарсаларни ўз ичига олиши мумкин.

5. Ҳодиса жойи ташқарисидаги изларни қидириш ва олиш. Ҳодиса содир бўлган жойдан ташқарида изларни қидириш ҳам амалга оширилиши керак. Барча излар маркер (ёрлиқ) билан белгиланиши керак, кейин эса кенг ва яқин масофаларда суратга олинади. Улар ҳодиса содир бўлган жойдаги ёзувларда тасвирланиши ва ҳодиса содир бўлган жойнинг эскизида аниқланиши керак ва кейин олинади.

6. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни якунлаш. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тугагандан сўнг, процесс иштирокчилари тергов органига келишилган тергов стратегияси бажарилганлигини кўрсатиш учун ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш натижалари, шу жумладан олинган ашёлар тўғрисида хабардор қилади.

Стандартларнинг муҳимлиги шундаки, ушбу тартиблар жиноят юзасидан кўздан кечириш жараёнини амалга оширишни сифат жиҳатдан самаралироқ қилишга ёрдам беради. Ҳар бир давлат ўзи учун муҳим бўлган тартиблардан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Best Practice Manual for Scene of Crime Examination. ENFSI-BPM-SOC-01 – Version 01 – November 2021. p. 5(39).

2. ISO/IEC 17020:2012 Inspection Standard Application Document. Copyright National Association of Testing Authorities, Australia 2013. – pp. 31.
3. Guidelines for Forensic Science Laboratories. ILAC Information Brochure. – ILAC-G19:2002. – pp. 13.
4. Best Practice Manual for Scene of Crime Examination. ENFSI-BPM-SOC-01 – Version 01 – November 2021. p. 8(39).
5. Best Practice Manual for Scene of Crime Examination. ENFSI-BPM-SOC-01 – Version 01 – November 2021. p. 8(39).
6. ISO/IEC 17020:2012 Inspection Standard Application Document. Copyright National Association of Testing Authorities, Australia 2013. – p. 3.
7. Best Practice Manual for Scene of Crime Examination. ENFSI-BPM-SOC-01 – Version 01 – November 2021. p. 10(39).
8. Best Practice Manual for Scene of Crime Examination. ENFSI-BPM-SOC-01 – Version 01 – November 2021. p. 14(39).
9. Best Practice Manual for Scene of Crime Examination. ENFSI-BPM-SOC-01 – Version 01 – November 2021. p. 15(39).